

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5120100 – 3.07

2017 йил “18” 08

2017 йил “24” 08

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ФАН ДАСТУРИ

**Билим соҳаси:** 100 000 – Гуманитар соҳа  
200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва хукуқ

**Таълим соҳаси:** 120 000 – Гуманитар фанлар  
220 000 – Журналистика ва ахборот

**Таълим йўналишлари:** 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш  
(роман-герман филологияси)  
5120200 – Таржима назарияси ва амалиёти  
(роман-герман тиллари)  
5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

- |             |  |
|-------------|--|
| Ю.Бобоқулов | – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси катта ўқитувчиси.  |
| Б.Тўраева   | – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси ўқитувчиси.  |
| А.Носиров   | – Халқ таълими вазирлиги Умумтаълим муассасаларида ўқув-методик жараёнларни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, ф.ф.д. |

### **Тақризчилар:**

- |                 |   |
|-----------------|---|
| И.Зокиров       | – Республика Таълим маркази директори ( <i>кадрлар истеъмолчиси</i> ).          |
| Л.Худойқурова   | – ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, ф.ф.н. |
| С.Султонсаидова | – ЎзДЖТУ, “Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.         |

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарбилиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Адабиётшунослик фани адабиётнинг жамият ижтимоий ҳаётидаги ўрни, адабиётнинг маънавий-маърифий аҳамияти, адабиётнинг табиий ва ижтимоий фанлар ва санъатнинг бошқа турларидан фарқи, адабий турлар ва жанрлар, ижодкорларнинг ўзига хос услуби, ижодий метод ва оқимлар, янги ижодий йўналишлар, ҳозирги жаҳон ва ўзбек адабий жараённи кабилар тўғрисида маълумот беради.

Адабиётшунослик фанининг аҳамияти ижтимоий ҳаёт ва адабиётни тушуниш, бадиий асарларнинг бадиий-эстетик даражасини аниқлаш, таҳлил ва талқин қилиш, адабий ва замонавий қаҳрамон ва реал ҳаёт кишиси ўртасидаги фарқларни ажратиш кабилар билан белгиланади.

Талабалар бу фанни ўрганиш орқали адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари, бадиий асарнинг таркибий қисмлари, адабий мактаблар, тил, моҳият ва интерпретация, поэтика ва риторика, адабий тур ва жанрлар, адабиёт ва ижтимоий ҳаёт, ижодий метод ва услублар, ижодкор услуби, бадиий образ, адабий қаҳрамон, бадиий санъатлар ва ҳозирги адабий жараённи кабилар тўғрисида маълумотга эга бўладилар. Адабиётшунослик фани умумкасбий фанлар блокига киритилган курс хисобланиб, 1-курсларда ўқитилиши мақсадга мувофиқ.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Фанининг асосий мақсади талабага адабиётшунослик бўйича билим бериш бўлиб, унда бадиий асар моҳияти ва ижод психологияси, адабий тур ва жанрлар, бадиий асарнинг шакли ва мазмuni, поэтик нутқ, услугуб ва шу каби бир қатор назарий қонуниятларни аниқ бадиий асарларга татбиқ этган ҳолда ўргатишдан иборатdir. Шу маънода қуйидаги вазифалар муҳим саналади:

- санъат турлари, хусусан, бадиий адабиётнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини тушунтириш;
- адабий тур ва жанрлар масаласини талқин этиш;
- адабиётшунослик дастурида берилган мавзуларни янгиликлар билан бойитиб бориш;
- эпик, лирик ва драматик турлар синкретизмини тушунтириш;
- адабиётшунослик воситасида адабий жараённи баҳолаб бориш, адабиётшунослик тарихи, замонавий адабиётшунослик орасидаги боғланишни тушунтириш;

- адабиётшунослик таркибий қисмларини ўргатиш;
- адабиётшунослик мактаблари ва уларнинг ўзига хос хусусиятини аниклаш;
- бадий асарни илмий-эстетик таҳлил қилиш, таржима жараёнида матнни таркибий қисмларга ажратиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниклаш;
- бадий асарларни турли методлар асосида таҳлил қилишни тушунтириш;
- жаҳон адабиётшунослигидаги таҳлил методлари билан таништириш;
- адабиётшунослик таркибий қисмлари орасидаги боғлиқликни кўрсатиш;
- ўзбек адабиётшуносларининг янги илмий тадқиқотлар, мақола, тезис ва тақризларининг ўзига хос хусусиятларини ўргатиш;
- талабага санъат асарларини ҳис қилиш ва унинг моҳиятини англашни, хулоса чиқариш ва қарор қабул қилишни ўргатиш.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-Модул. Адабиётшунослик фанининг умумий асослари**

##### **1 – мавзу. Адабиётшунослик – адабиёт ҳақидаги фан**

“Адабиётшунослик” фанининг мақсад ва вазифалари. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ва ёрдамчи соҳалари. Адабиётшуносликнинг ўрганиш обьекти. Адабиётнинг оғзаки ва ёзма шакли. Адабиётшуносликнинг бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлиги.

##### **2-мавзу. Бадий адабиёт санъат тури сифатида**

Санъат тушунчаси ҳақида маълумот бериш. Амалий ва бадий санъатлар, бадий адабиётнинг санъат турлари орасидаги ўрни ва ўзига хослиги ҳақида тўлиқ тасаввурни шакллантириш.

##### **3- мавзу. Адабиётшунослик мактаблари**

Адабиётшунослик мактаблари. Адабиётшунослик мактаблари фаолияти, уларнинг намояндалари. Адабиётшунослик фанининг тарихий тараққиёти.

## **4-мавзу. Бадиий адабиётда мавзу ва ғоя**

“Бадиий асар” тушунчаси. “Бадиий асар” тушунчасининг кенг ва тор маънода қўлланиши. Бадиий ижод жараёни ҳақида. Бадиий асарда ижод жараёниг муҳрланиши. Адабий асарнинг яхлитлиги, бир бутунлиги, биринчи навбатда, унда фойдаланган мазмун билан белгиланиши. Шакл ва мазмун мутаносиблиги. Бадиий асарларда мазмун ва шакл бирлиги туфайли кўп қиррали борлиқ жонли ҳолда алоҳида ҳодисалар ва ўзига хос сифатларнинг ўзаро алоқадорлиги.

## **5-мавзу. Адабий тур ва жанрлар**

Адабиёт идеология шаклларидан бири сифатида ижтимоий борлиқни, объектив муҳитни акс эттириши. Адабий ижоднинг турли хиллиги ва унинг тилда намоён бўлиши. Адабий асарларнинг бир-бирига ўхшаш жиҳатлари. Ўхшашликнинг тарихий муҳит билан боғлиқлиги ва адабий композицияда акс этиши. Адабий асар турларининг композицион фарқли жиҳатлари. Адабий турларда тасвир принципи, воқеликнинг қамрови ва акс этиш тарзи, образлар характерининг ёритилиши. Ҳаётий материални тасвирлаш характеристи, бадиий асар асосида ётган конфликт ва унинг ҳал этилиши, асарда воқеалар баёни. Асар турлари: эпик асарлар; лирик асарлар; драматик асарлар.

## **2-модул. Адабиётшунослик фанининг назарий-концептуал моҳияти**

### **6-мавзу. Бадиий асар сюжети ва композицияси**

Сюжет ва композиция тушунчалари. Сюжетнинг бадиий асардаги функциялари. Конфликт турлари ва композиция.

### **7-мавзу. Бадиий асарда шакл ва мазмун**

Бадиий асарда шакл ва мазмун ҳақида тушунча. Шакл ва мазмун муносабати. Шакл, мазмун, бадиий асар шакли, бадиий асар мазмуни. Мазмуннинг шаклни белгилаши. Шаклнинг нисбий мустақиллиги, шаклнинг консервативлиги, мазмуннинг оригиналликка интилиши. Шакл ва мазмун унсурлари таснифи.

## **8 - мавзу. Бадиий асарнинг тил хусусиятлари.**

Тил – адабиётнинг асосий унсури. Тил адабиётда образ яратишнинг асосий қуроли. Халқ тилининг эстетик имкониятлари. Бадиий тил ва тасвирий воситалар.халқ ижоди (фольклор) ва халқ тили.адабий тилнинг ўзига хос хусусиятлари. Муаллиф нутқи. Персонаж нутқи. Бадиий адабиётда диалектизм, архаизм, профессионализм, вульгаризм ва бошқа унсурлар масаласи. Тил ва индивидуаллик.

### **3-модуль. Бадиий асар таҳлили, адабий оқим ва йўналишлар**

#### **9- мавзу. Адабий йўналиш ва оқимлар**

Адабий йўналиш ва оқимлар. Уларнинг тараққиёт тенденциялари. Жаҳон адабиётидаги етакчи метод ва оқимлар. Ёзувчи услуби.

#### **10-мавзу. Бадиий асар таҳлилиниң асосий тамойиллари**

Бадиий асар таҳлили ҳақида тушунча. Таҳлил ва талқин муносабати. Асар таҳлили тамойиллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бадиий таҳлилда илмий тушунчалар ва хулосалар. Бадиий асар таҳлили ва талқин. Асарда муаллиф позицияси. Асарга турлича ёндашув ва турли талқин масалалари.

#### **11 - мавзу. Бадиийлик ва ҳозирги адабий жараён**

Ижодий жараённи ўрганишнинг аҳамияти. Ҳозирги кун насли ва унинг ўзига хослиги. Ҳозирги адабий жараёнда лирик жанр тараққиёти. Ҳозирги адабий жараёнда пайдо бўлган янги адабий оқимлар ва унинг ўзбек адабиётига таъсири. Адабий таъсир, наваторлик «классик» тушунчаси. Эпик асарлар, лирик асарлар, драматик асарлар.

### **IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлари бўйича қўйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Адабий жанрлар.
2. Адабий мактаблар.
3. Ҳикоя таҳлили.

4. Бадиий асарда мавзуу ва ғоя.
5. Сюжет ва композиция.
6. Шеър таҳлили.
7. Ода ва қасида таҳлили.
8. Марсия, элегия, таърих, эпитафия жанрлари таҳлили.
9. Бадиий асар тилининг стилистик хусусиятлари.
10. Поэтика ва риторика.
11. Ўхшатиш, ўхшашлик ва субъект.
12. Бадиий асарларни қиёсий аспектда таҳлил қилиш.
13. Газал таҳлили.
14. Шарқ адабиётшунослиги.
15. Адабий тур ва жанрлар.
16. Ижодий метод ва оқимлар.
17. Алишер Навоий, Бобур шеърларидаги бадиий санъатлар.
18. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари шеърларидаги тажнис, ийхом, таносуб, иштиқоқ, тазод, тақрир каби лафзий санъатларни ўрганиш.
19. Жаҳон шеърий жанрлари.
20. Аруз, бармоқ тизимидағи шеърларнинг таркибий қисмлари (бўғин, туроқ, вазн, қофия, равий, радиф каби)ни мумтоз адабиёт намояндалари ва замонавий шеърият вакиллари ижоди.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Бадиий асарда эстетик фаолият тушунчаси.
2. Амалий ва бадиий санъатларнинг муштарак ва фарқли томонлари.
3. Бадиий санъат турларини умумлаштирувчи ва фарқловчии жиҳатлари.
4. Бадиий адабиётнининг ўзига хослигини бошқа санъат турлари, масалан, мусиқа ва рангтасвир билан қиёслаш
5. “Санъат” тушунчасининг кенг ва тор маънога эга эканлиги.
6. Бадиий адабиёт - сўз санъати эканлиги (Жаҳон адиллари асарлари мисолида)
7. Санъат турларининг ичидаги ифодавий ва тасвирий санъат турларини фарқланиши.
8. Бадиий адабиётнинг санъат турлари орасидаги ўрни ва ўзига хослиги.
9. Инсон-санъат ва адабиётнинг бош предмети.
10. Бадиий санъат турларини умумлаштирувчи ва фарқловчии жиҳатлар.

11. Адабиётшунослик мактабларининг вужудга келиши, тарихий омиллари. Жаҳон адабиётида мавжуд замонавий адабиётшунослик мактаблари.
12. Структурализм мактабининг намояндалари ва уларнинг асарлари.
13. Рус формализми мактабининг хусусиятлари.
14. Авангардлик мактаби тармоқлари ва уларга хос хусусиятлар
15. Феминизм мактаби ҳақида (Ж.Коллер асари асосида)
16. Структурализм мактаби ҳақида (Ж.Коллер асари асосида).
17. Бадиий адабиётда дунёқараш ва ғоявийлик.
18. Адабиётнинг халқчиллиги, миллийлиги ва умуминсонийлиги.
19. Бадиий асар тузилиши ва образлар таснифи.
20. Образ яратиш йўллари (жаҳон адаблари асарлари мисолида)
21. Бадиий асарнинг сюжети ва композицияси.
22. Сюжетнинг таркибий қисмлари.
23. Бадиий асарда композицион тамойиллар
24. Бадиий асар тили.
25. Шеърий асарда мазмун ва шаклнинг ўзига хослиги.
26. Адабий турлар ва жанрлар.
27. Ижодий методлар ва ёзувчи пафоси.
28. Ҳозирги адабий жараёнда новаторлик ва анъанавийлик тушунчаси
29. Таҳлил ва талқин тушунчалари, уларнинг тушуниш жараёнидаги нисбати.
30. Бадиий асар тилининг ўзига хослиги
31. Лексик қатламларнинг бадиий асардаги ўрни.
32. Бадиий асрларда лексик ресурсларнинг ўрни.
33. Персонаж нутқи ва муаллиф нутқининг таъсирчанлик даражаси.
34. Драматик асарларда муаллиф нутқининг ўрни.
35. Халқ жонли тилининг бадиий асрларларда қўлланилиши ва унинг ижобий ҳамда салбий томонлари.
36. Тавсифлаш воситалари.
37. Эскирган сўзлар ва уларнинг бадиий асарда ишлатилишининг аҳамияти.
38. Бадиий асарларда иборалардан фойдаланиш.
39. “Модеренизм” - адабий оқими ва унинг ўзбек адабиётидаги кўринишлари.
40. Лирик турнинг янги жанрлари.
41. Эпик тур.
42. Драматик тур ва унинг жанрлари тараққиёти.
43. Бадиий асар таҳлилининг ўзига хослиги.

44. Адабий таҳлил тамойиллари.
45. Тарихийлик тамойилининг бадиий асардаги ўрни.
46. Драматик асарлар таҳлилида тизимлилик тамойилининг ўрни.

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан рефератлар тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## **VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **Асосий адабиётлар**

1. Jonattan Culler. Literary theory. OUK 2011.
2. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари.-Т.: “Ўзбекистон” 2002.
- 3.Умурев Х. Адабиётшунослик назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
- 4.Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш . “Университет”. 2005

### **Кўшимча адабиётлар**

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
9. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
- 11.Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдураҳмонов таҳрири остида. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 476 с.

12. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир-Т.: “Янги аср авлоди”, 2004
13. Султонов И. Адабиёт назарияси.-Т.: “Ўқитувчи”, 2005.
14. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. - Т.: “Зарқалам”, 2006.
15. Қуронов Д., Раҳмонов Б. Фарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: “Фан”, 2008.
16. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2010.

### **Интернет сайтлари**

17. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
18. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
19. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
20. [tdpu-INTRANET.Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
21. [www.nutq.intal.uz](http://www.nutq.intal.uz)



